

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХМАТАЛИЕВ МУЗАФФАР ЭШДАВЛАТОВИЧ**

**ПАРРАНДАЧИЛИК ТАРМОҒИДА ИННОВАЦИОН  
ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2022 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автороферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of the Dissertation Abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Рахматалиев Музаффар Эшдавлатович**

Паррандачилик тармоғида инновацион фаолият самарадорлигини ошириш  
йўллари ..... 3

**Рахматалиев Музаффар Эшдавлатович**

Пути повышения эффективности инновационной деятельности в отрасли  
птицеводства ..... 27

**Rakhmataliyev Muzaffar Eshdavlatovich**

Ways to increase the efficiency of innovation in the poultry industry ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 55

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХМАТАЛИЕВ МУЗАФФАР ЭШДАВЛАТОВИЧ**

**ПАРРАНДАЧИЛИК ТАРМОҒИДА ИННОВАЦИОН  
ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2022 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Iqt795-рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Умаров Сухроб Рустамович**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Рустамова Ирода Бахрамджановна**  
иктисодиёт фанлари доктори

**Садуллаев Улуғбек Норқулович**  
иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети**

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-58, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ -рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)

Диссертация автореферати 2022 йил "\_\_\_" \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил "\_\_\_" \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Қ.А.Чариев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Ш.Муродов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD)

**Н.С.Хушматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, иктисодиёт  
фанлари доктори, профессор

### **К И Р И Ш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзабрлиги ва зарурати.** Жаҳонда аҳоли сонининг ўсиб боришига мутаносиб равишда озиқ-овқат маҳсулотларини ҳажм ва сифат жиҳатидан оширишда паррандачиликни ривожлантириш муҳим ўрин тутди. Чунки, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тизимида парранда гўшти сифатли оқсил ва ёғлар манбаи сифатида алоҳида ўринга эгадир. Шу сабабли, парранда гўшти дунё бўйича ишлаб чиқарилаётган гўшт ҳажмининг асосий ҳиссасини ташкил этмоқда. Ушбу тенденция келажакда ҳам сақланиб қолган ҳолда ФАО маълумотларига кўра, “... 2026 йилга келиб парранда гўшти етиштиришнинг йиллик ҳажми 13 фоизга ошиши”<sup>1</sup> башорат қилинган. Бу албатта, паррандачилик маҳсулотлари турларини кўпайтириш, унумдор озуқа моддаларини қўллаш асосида экологик тоза ва табиий маҳсулотларни етиштиришни қўллаб-қувватлаш механизмларининг мавжудлиги билан бевосита боғлиқдир.

Жаҳонда глобал иқлим ўзгариши ҳамда пандемия шароитида паррандаларнинг генофондини сақлаш ва турларини кўпайтириш, озуқа рационлари ва уларнинг таркибини оптималлаштириш, паррандачилик маҳсулотлари бозорида рақобатбардошликни ошириш каби йўналишларда муҳим илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Шунинг билан бир қаторда паррандачилик тармоғида инновацион технологиялар ва ишланмаларни кенг жорий этиш ҳисобига озиқ-овқат маҳсулотлари баҳосининг ўсиб боришини олдини олиш, паррандачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажминини кенгайтириш каби муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида паррандачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш ва соҳа иқтисодиётини мустаҳкамлаш биринчи навбатда, тармоққа фан-техника тараққиёти ютуқларини татбиқ этиш ҳолатига бевосита боғлиқ. Паррандачилик тармоғида инновацион фаолиятни ошириш соҳада ишлаб чиқариш самарадорлиги, маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини ошириш имконини беради. Шу боис, истиқболда паррандачилик тармоғида “илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга кенг жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш”<sup>2</sup> масаласи стратегик вазифа қилиб белгилаб олинди. Шу нуқтаи-назардан тармоқда инновацион фаолият самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони, 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сон “Чорвачилик тармоғини

<sup>1</sup> <https://www.fao.org/3/i7465e/i7465e.pdf>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. - Т.: Адолат, 2017. - 112 б.

давлат томонидан кўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 13 ноябрдаги ПҚ-4015-сон “Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-120-сон “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022–2026 йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида паррандачилик тармоғи фаолияти самарадорлигини ошириш, тармоқ корхоналарида инновацион фаолиятни ривожлантириш муаммолари бўйича мамлакатимиз ва хорижий давлатлар иқтисодчи олимлари турли йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Жумладан, МДХ давлатлари олимларидан Крылов Э.И., Журовкова М.В., Власова В.М., Фатхудинов Р.А., Хучек М., Санду И.С., Баутин В.М., Голубев А.В.<sup>3</sup> ва бошқаларнинг тадқиқотларида қишлоқ хўжалиги инновацияларининг кўтарилган кўп жиҳатли муаммолари инновацион ривожланишнинг назариясини чуқурлаштиришга ва амалиётини кенгайтириш учун асос яратди. Шунингдек, Бобилева Г.А., Жигалин М.М., Карюкина К.И., Клочков К.Н., Матыкин Ю.П. ва бошқа амалиётчи олимларнинг тадқиқотларида паррандачиликда илмий-техник тараққиётнинг турли жиҳатларини ўрганишга катта эътибор қаратилган.

Мамлакатимиз аграр иқтисодчи олимларидан Қ.А.Чориев, Р.Р.Раджапов, Р.Х.Хусанов, Т.Х.Фармонов, Н.С.Хушматов, А.Ҳакимов, Ш.Файзиева, А.Х.Юлдашев, С.Абдуллаева<sup>4</sup>, С.Хамраева, И.Рустамова ва бошқа олимлар-

<sup>3</sup> Крылов Э.И., Журовкова М.В., Власова В.М. Анализ эффективности инвестиционно-инновационной деятельности предприятия. – М.: Финансы и статистика, 2001. – 8 с.; Фатхудинов Р.А. Инновационный менеджмент. – М.: Интел-синтез, 2000. – 19 с.; Хучек М. Инновация на предприятиях и их внедрения. – М.: Луч, 1992.; Санду И.С. и др. Организационно-экономический механизм развития инновационных процессов в АПК: метод. рекомендация. – М.: РосАКО АПК, 2005.

<sup>4</sup> Хусанов Р.Х., Қосимов М. Дехқон хўжалигини юретишнинг илмий ва амалий асослари. – Т.: Чўлпон, 2000. – 104 б.; Чориев Қ.А. Қишлоқ хўжалигида инновациялар жорий қилиш тизимини шакллантириш ва рағбатлантириш истиқболлари (услугий тавсиялар). – Т.: 2014. – 10 б.; Фармонов Т. Ўзбекистон Республикасида фермер хўжалиқларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари: дис. ... и.ф.д. – Т., 2006 й., – 83-85-б.; Хушматов Н.С. Дехқон (фермер) хўжалиқларини ташкил этиш самарадорлиги ва уларнинг бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш: дис. ... и.ф.д. – Т., 1994. – 22 б.; Файзиева Ш. Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиқларининг ривожланиши ва уларнинг самарадорлигини ошириш. дис. ... и.ф.н. – Т., 1994. – 77-79-б.; Юлдашев А.Х. Дехқон хўжалиқларида чорвачилик. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2001. №5. 27-28-б.; Абдуллаева С. Чорвачилик тармоғининг ривожланиш йўналишлари. // Иқтисодиёт ва таълим, № 6. 2011 й., – 82-85 б.

нинг илмий асарлари ва ишлари асосан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва бошқариш, чорвачилик тармоғи самарадорлигини ошириш ҳамда инновацион фаолият самарадорлиги муаммоларига бағишланган. Шу боис, паррандачилик тармоғига замонавий техника ва технологияларни жалб этиш, янги авлод озуқаларини яратиш соҳанинг инновацион салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Шунинг учун, паррандачилик тармоғида инновацион фаолият самарадорлигини ошириш бўйича чуқур илмий-тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо қилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** паррандачилик тармоғида инновацион фаолият самарадорлигини ошириш йўллари бўйича илмий тавсиялар ва амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

паррандачилик тармоғини инновацион ривожлантириш ва самарадорлигини баҳолашнинг асосий йўналишларини назарий жиҳатдан асослаш;

тармоқда инновацион фаолият самарадорлигини ошириш бўйича хорижий давлатлар тажрибалари ўрганилиб, уларни мамлакатимизда жорий қилиш бўйича илмий ва амалий жиҳатдан таклифлар ишлаб чиқиш;

паррандачилик тармоғи ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва паррандачилик корхоналарининг фаолияти таҳлили асосида мавжуд муаммолар аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

тармоқни инновацион ривожлантиришда озуқа маҳсулотлари самарадорлигини баҳолаш;

иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатимиз паррандачилигини инновациялар асосида ривожлантиришнинг асосий йўллари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

тармоқда инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

инновацион фаолиятни ривожлантириш асосида паррандачилик маҳсулотларини етиштириш истиқболлари бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида республика қишлоқ хўжалигида паррандачилик йўналишида фаолият юритаётган субъектлар танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** паррандачилик тармоғида инновацион фаолият самарадорлигини ошириш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида иқтисодий таҳлил қилиш, қиёсий таққослаш, монографик кузатиш, мантиқий ва абстракт фикрлаш ва математик моделлаштириш усулларида кенг фойдаланилган.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

паррандачилик корхоналарида инновацион ишланмаларни жорий этиш даражасини “паст” (0-0,37), “ўртача” (0,37-0,67) ва “юқори” (0,67-1) баҳолаш мезонлари асосида аниқлаш бўйича услубий ёндашув такомиллаштирилган;

паррандачилик корхоналари таркибида “Инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўлими”ни ташкил этиш асосланган;

инновацион технологиялар, насли сермахсул парранда кроссларини жорий этиш ва паррандачилик озуқа компонентлари импорти харажатларининг 20 фоизи, инновацион техника ва технологияларни жорий этишда 35 фоизгача давлат томонидан субсидиялаш механизмлари таклиф этилган;

корхоналарда озуқа сифати ва таъминотини яхшилаш асосида паррандачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг 2030 йилгача бўлган прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

паррандачилик корхоналари структурасини истеъмолчилар талабларини ўрганиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини харидорлар истаган хусусиятларга мос равишда ўзгартириш асосида тавсиялар ишлаб чиқилган;

замонавий озуқа компонентлари орқали озуқа таъминотини яхшилаш, парранда кроссларини сақлаш, экологик тоза ва табиий маҳсулотларни ишлаб чиқариш орқали паррандачилик маҳсулотлари бозорида рақобатбардошликни ошириш йўналишлари тавсия этилган;

мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида паррандачилик тармоғида унумдор озуқа моддаларини қўллаш асосида инновацион фаолиятни инженерлик, зоотехникавий, ветеринариявий, молиявий ва иқтисодий йўналишлар ёрдамида ривожлантиришнинг концептуал тузилмаси такомиллаштирилган;

паррандачилик тармоғида инновацион фаолиятни ривожлантириш мақсадида мамлакатимизда паррандачиликни инновацион ривожлантириш давлат дастурининг асосий йўналишлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги иқтисодчи олимларнинг паррандачилик тармоғида инновацион фаолият самарадорлигини ошириш йўллари бўйича илмий-амалий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, тадқиқот жараёнида қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг асосланганлиги, ахборот базасининг расмий манбалардан олинганлиги, шунингдек таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот жараёнида олинган илмий таклифлар паррандачилик тармоғида истеъмолчиларнинг инновацияларга бўлган мойиллик даражасини аниқлаш бўйича услубий ёндашувларни такомиллаштириш, паррандачилик тармоғида унумдор озуқа моддаларини қўллаш асосида парранда кроссларини сақлаш ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, паррандачилик тармоғида инновацион салоҳият, озуқа балансидан самарали фойдаланиш,

тармоқни инновацион асосда ривожлантириш тадбирларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, паррандачилик маҳсулотларини етиштириш истиқболлари ҳамда олий ўқув юртларида “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” каби фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш жараёнида фойдаланиш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Паррандачилик тармоғида инновацион фаолият самарадорлигини ошириш йўллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

паррандачилик корхоналарида инновацион ишланмаларни жорий этиш даражасини аниқлаш бўйича услубий ёндашув Сурхондарё вилояти Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 23 майдаги 04/22-1044-сон маълумотномаси). Натижада мамлакатимизда паррандачилик корхоналари раҳбар ва ходимларининг инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш хоҳиши даражаси ўртача 0,62-0,65 (ўртача (0,37-0,67))га тенг эканлиги аниқланган;

паррандачилик корхоналари таркибида “Инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўлими”ни ташкил этиш таклифи “Паррандасаноат” уюшмаси тизимидаги ташкилотларда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 23 майдаги 04/22-1044-сон маълумотномаси). Натижада паррандачилик корхоналарида инновацион ишланмалар ишлаб чиқаришга тадбиқ этилиб, корхонанинг даромади ошишига хизмат қилади;

инновацион технологиялар, насли сермахсул парранда кроссларини жорий этиш, замонавий технологиялар ва озуқа компонентлари импорти харажатларини давлат томонидан рағбатлантириш механизмлари бўйича таклифи “Сурхондарё вилоятини саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларининг параметрлари” чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 23 майдаги 04/22-1044-сон маълумотномаси). Натижада, паррандачилик субъектлари насли сермахсул парранда кроссларини жорий этиш ва паррандачилик озуқа компонентлари импорти харажатининг 20 фоизи, инновацион техника ва технологияларни жорий этиш харажатининг 35 фоизгача миқдорини давлат томонидан субсидия бериш орқали рағбатлантирилади;

корхоналарда озуқа сифати ва таъминотини яхшилаш асосида паррандачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг 2030 йилгача бўлган прогноз параметрлари “2022-2026 йилларда Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг шаҳар ва туманлар кесимидаги мақсадли кўрсаткичлар параметрлари” дастурининг 26.1 ва 26.2 бандларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 30 июлдаги 02/23-1319-сон,

2022 йил 23 майдаги 04/22-1044-сонли маълумотномалари). Натижада, паррандачилик тармоғида замонавий озукаларни қўллаш асосида 2030 йилга бориб, мамлакатимизда паррандалар бош сони 144189,2 минг бошдан ортиқни ташкил этиши, шунингдек, 154999,1 млн. донадан ортиқ тухум, 402962,1 минг тонна парранда гўшти етиштирилиши прогноз қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 148 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Паррандачилик тармоғида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида паррандачилик тармоғини инновацион ривожлантиришнинг назарий асослари, паррандачилик тармоғида инновацион фаолият самарадорлигини баҳолашнинг асосий йўналишлари ҳамда тармоқда инновацион фаолият самарадорлигини ошириш бўйича хорижий тажрибалар ёритилган.

Мамлакат паррандачилигининг иқтисодий ривожланиш ҳолати ва истиқболлари кўп жиҳатдан паррандачилик корхоналарида инновацион фаолиятни ривожлантириш даражасига боғлиқ. Жаҳон амалиётидан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, ҳозирги кунда рақобатли иқтисодиёт даврида инновацион фаолиятни такомиллаштирган корхона ва ташкилотлар устунликка эга бўладилар.

Мамлакатимиз паррандачилик тармоғида инновация фаолиятини ривожлантириш учун қуйидаги шароитларнинг мавжуд бўлиши талаб этилади:

давлатнинг инновация сиёсати – республика ҳукумати томонидан мамлакатнинг инновацион стратегиясини белгилайдиган устувор инновацион дастурлар ва лойиҳаларни тайёрлаш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш механизмларини ишлаб чиқиш;

инвестицион салоҳият – давлат, тармоқ, корхона ва ташкилотларнинг моддий-техник, иқтисодий-молиявий, илмий-техникавий ва интеллектуал салоҳияти;

инновацион фаолият – инновацион ишланмаларни яратиш ва жорий этишни ўз ичига олувчи инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларининг фаолият соҳалари;

инновацион инфратузилма – инновация фаолиятни амалга ошириш жараёнида хизмат кўрсатувчи муассасалар (инновацион-технологик марказлар, технологик инкубаторлар, технопарклар, консалтинг компаниялари ва бошқа махсус ташкил этилган муассасалар);

инновация дастури – корхона, тармоқ, ҳудуд, давлат, минтақа, давлатлараро инновацион лойиҳаларнинг ресурслари, ижрочилари ва уларни амалга ошириш муддатлари белгиланган ҳамда янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган вазифаларни ижросини ўзида акс эттирадиган инновацион лойиҳалар ва тадбирлар мажмуидир.

Паррандачилик корхоналарида инновацион фаолият самарадорлигига техник-технологик, ташкилий, иқтисодий, ижтимоий-психологик, табиий-иқлим ва экологик-эпидемиологик омиллар таъсир кўрсатади.

Паррандачилик тармоғида инновацион фаолиятнинг техник-технологик самарадорлиги ресурслардан самарали фойдаланишни ўзида акс эттириб, тармоқда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларни қайта ишлаш, ташиш ва сақлаш жараёни билан боғлиқ. Бу гуруҳ омилларига қуйидагилар киради: паррандачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича бино ва иншоотлар; капитал маблағлар билан таъминланганлик, парранданинг маҳсулдорлиги ва сақланиши, кросслар даражаси; озуқа бериш тартибини оптималлаштириш, компьютер воситалари билан жиҳозланганлик; паррандачилик маҳсулотлари сифати ва хавфсизлик талабларига риоя қилиниши ва бошқалар.

Ташкилий самарадорлик паррандачилик корхоналари фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлайдиган микроиқтисодий омиллар мажмуини ўзида акс эттиради. Шунингдек, корхоналар ичидаги меҳнат муносабатларини тартибга солиб, корхонанинг фаолияти билан боғлиқ бўлган расмий ва норасмий муносабатларни белгилайди.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш даражаси соҳа корхоналари фаолияти механизмининг таркибий қисмларининг тартибга солинганлиги ва бир-бирига мувофиқлигини белгилайди. Инновациянинг иқтисодий самарадорлиги янги маҳсулот ёки технологияга сарфланган ресурсларнинг (пул маблағи, моддий, ахборот, ишчи кучи ва бошқалар) самарадорлигини белгилаб беради. Бу эса корхонанинг инвестицион жозибадорлиги, ихтисослашув даражаси ва концентрацияси, ишлаб чиқаришни пропорционал ташкил этилганлиги, бўлинмаларнинг ўзаро алоқалари ва корхоналарда нарх сиёсатини самарали ўтказилишини белгилаб беради.

Ижтимоий-психологик самарадорлик эса паррандачилик корхоналари ходимларининг инновацияларни амалиётга татбиқ этишга хоҳиши даражаси,

юқори самарали меҳнат ва сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш шароитларини ўз ичига олади. Ижтимоий самара аҳолининг турмуш даражаси, таълим, соғлиқ ва маданият тизими, аҳоли эҳтиёжларини қондиришда намоён бўлади. Кадрларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, ишлаб чиқаришни компьютерлаштириш мураккаб ишлаб чиқариш ва иқтисодий масалаларни ҳал этишда белгиловчи омил бўлиб хизмат қилади.

Самарадорликнинг табиий-иқлим омилларига парранда организмга ўртача таъсир этадиган табиий ва иқлим омиллари (ёғинлар миқдори, ўртача ҳарорат, атмосфера босими, мавсумий ўзгаришлар ва бошқалар) киради.

Экологик-эпидемиологик омиллар аҳолининг экологик тоза паррандачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришни назарда тутди. Бунинг учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир: сифат менежменти тизимидан самарали фойдаланиш, паррандани озиклантириш рационларида экологик тоза озуқа моддалардан фойдаланиш, санитария-ветеринария талабларига риоя этиш, чиқиндисиз ишлаб чиқаришни ташкил этиш, парранда ахлатидан (қайта ишлаш) фойдаланиш тизимини такомиллаштириш ва атроф-муҳитни сақлаш.

Паррандачилик корхоналарининг инновацион фаолият самарадорлигини баҳолашда инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш даражасини баҳолаш мақсадида, Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон, Қумқўрғон ва Узун туманларида фаолият олиб бораётган паррандачилик корхоналари ходимлари ўртасида сўровномалар ўтказилди. Ушбу сўровнома натижалари асосида, паррандачилик тармоғида фаолият олиб бораётган корхоналар ходимларининг инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш хоҳиши даражаси баҳоланди. Унга кўра, сўровномада иштирок этган 150 нафар паррандачилик корхоналари ходимларининг инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш хоҳиши даражаси 25 фоизи (37 нафар) паст, 63 фоизи (95 нафар) ўртача ва 12 фоизи (18 нафар) юқори эканлиги аниқланди.

Сўровнома натижалари асосида, паррандачилик корхоналари ходимларининг инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш хоҳиши даражаси инновациялар самарадорлигини миқдорий баҳолаш имконини берувчи Е.Харрингтоннинг умумий хоҳиш мезони асосида баҳоланди. Унга кўра, жисмоний ва психологик параметрлар ўртасидаги мувофиқлик асосида, инновацион фаолиятнинг ҳар бир кўрсаткичи рейтинг шкаласи бўйича инновацияларга бўлган мойиллик даражаси баҳоланди. Натижада мамлакатимиздаги паррандачилик корхоналарининг раҳбар ва ходимларини инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш хоҳиши даражасини баҳолаш мезони ишлаб чиқилди (1-жадвал).

Унга кўра, паррандачилик корхоналарида раҳбар ва ишчи ходимларнинг инновацион ишланмаларни соҳага жорий даражаси паст - 0-0,37, ўртача - 0,37-0,67, юқори - 0,67-1 рейтинг шкаласи бўйича баҳоланди. Натижада мамлакатимизда паррандачилик корхоналари раҳбар ва ходимларининг

инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш хоҳиши даражаси ўртача 0,62-0,65 (ўртача (0,37-0,67)) эканлиги аниқланди.

1-жадвал.

**Паррандачилик корхоналарида инновацион ишланмаларни жорий этиш даражасини баҳолаш мезони<sup>5</sup>**

<b>Сифат кўрсаткичлари</b>	<b>Кўрсаткич даражаси</b>
Паст	0-0,37
Ўртача	0,37-0,67
Юқори	0,67-1

Хорижий давлатлар тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда паррандачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни куйидаги йўналишларда ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир: ҳукумат инновацион сектордаги мавқеини яхшилашга интилиб, илм-фан ва технологик фаолиятнинг етакчи соҳаларига узоқ муддатли тадқиқотларни ўтказиш учун маблағ ажратиши (Германия); паррандачилик соҳасида илмий-тадқиқот ишларини бевосита рағбатлантириш мақсадида, тижорат банклари томонидан узоқ муддатли кредитлар ажратиш ҳамда давлат томонидан илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш (Канада); паррандачилик корхоналари билан биргаликда илмий-тадқиқот ишларини олиб боровчи давлат ташкилотлари ва тадқиқот марказларига давлат субсидиялари ҳамда имтиёзли кредитларни ажратиш (Япония); компаниялар, университетлар ва нотижорат ташкилотларга тақдим этилган тадқиқот асбоб-ускуналари нархидан келиб чиқиб, солиқ солинадиган базани камайтириш (АҚШ); паррандачилик корхоналарининг илмий-тадқиқот ишларига сарфланган харажатларини солиқдан озод қилиш (Швеция, Финландия).

Диссертациянинг **“Паррандачиликда инновацион фаолият самарадорлигининг ҳозирги ҳолати”** деб номланган иккинчи бобида паррандачилик тармоғини ривожланишининг ҳозирги ҳолати, паррандачилик корхоналари фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги ҳамда тармоқни инновацион ривожлантиришда озуқа маҳсулотлари самарадорлигининг ҳозирги ҳолати баён қилинган.

Мамлакатимизда барча тоифадаги хўжаликларда паррандаларнинг бош сони ўсиш тенденциясига эга бўлган. Жумладан мамлакатимизда 2022 йил 1 январ ҳолатига кўра, 89734,4 минг бош парранда мавжуд бўлиб, ушбу кўрсаткич 2019 йилга нисбатан 2,1 фоизга ошган. Шу даврда ушбу кўрсаткич Жиззах, Наманган ва Тошкент вилоятларидан ташқари барча вилоятларда ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Республика бўйича паррандалар бош сонининг ортиши ҳисобига тухум етиштириш ҳажми ҳам ортган. Таҳлилларнинг кўрсатишича, барча тоифадаги хўжаликларда тухум етиштириш миқдори 2021 йилда 2019 йилга нисбатан 3,6 фоизга ортган. Яъни мамлакатимизда 2019 йилда 7771,2 млн. дона тухум

<sup>5</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

етиштирилган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилга келиб 8053,1 млн. донани ташкил этган. 2021 йилда 2019 йилга нисбатан 281,9 минг дона кўпроқ тухум етиштирилган. Мамлакатимизда 2019-2021 йилларда Самарқанд ва Тошкент вилоятларидан ташқари барча вилоятларда тухум етиштириш ҳажми ошган. Тухум етиштириш ҳажми бўйича мамлакатимизда Тошкент ва Самарқанд вилоятлари етакчилик қилиб келмоқда. Етиштирилган тухумнинг 34,7 фоизи (2798,8 млн. дона) ушбу вилоятларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тиббий меъёрга мувофиқ, 1 киши бир йил давомида ўртача 208 дона тухум истеъмол қилиши белгиланган. Ушбу тиббий меъёрга асосланган ҳолда таҳлил қилганимизда, 2019-2021 йиллар давомида республика бўйича аҳоли жон бошига етиштирилган тухум ҳажми меъёрга нисбатан ортиғи билан етиштирилган. Жумладан, республика бўйича 2019 йилда аҳоли жон бошига ўртача 253 дона, 2020 йилда 260 дона ва 2021 йилда эса 255 дона тухум етиштирилган. Бу кўрсаткич 2021 йилда 2019 йилга нисбатан республика бўйича ўртача 0,8 фоизга ўсган бўлса-да, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Хоразм вилоятларида 2018 йилга нисбатан пасайиш кузатилган (2-жадвал).

**2-жадвал.**

**Республика бўйича аҳоли жон бошига етиштирилган тухум ҳажми, дона<sup>6</sup>**

№	Худудлар	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2021 й.ни 2019 й.га нисбати, %
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	172	211	183	106,4
2.	Андижон вилояти	223	211	223	100,0
3.	Бухоро вилояти	251	246	254	101,2
4.	Жиззах вилояти	232	223	282	121,6
5.	Қашқадарё вилояти	157	168	152	96,8
6.	Навоий вилояти	341	432	349	102,3
7.	Наманган вилояти	217	230	216	99,5
8.	Самарқанд вилояти	357	315	334	93,6
9.	Сурхондарё вилояти	200	203	192	96,0
10.	Сирдарё вилояти	207	193	207	100,0
11.	Тошкент вилояти	518	518	493	95,2
12.	Фарғона вилояти	140	161	142	101,4
13.	Хоразм вилояти	261	342	254	97,3
	<b>Жами:</b>	<b>253</b>	<b>260</b>	<b>255</b>	<b>100,8</b>

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2021 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида тиббий меъёрга мувофиқ, аҳоли жон бошига нисбатан кам тухум етиштирилган.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Ушбу кўрсаткич бўйича Тошкент, Навоий ва Самарқанд вилоятлари етакчилик қилиб келмоқда. Ушбу ҳудудларда аҳоли жон бошига нисбатан етиштирилган тухум ҳажми 300 дона ва ундан юқорини ташкил этмоқда.

Сурхондарё вилояти Узун ва Жарқўрғон туманидаги тухум ва парранда гўштини етиштирувчи корхоналарда монографик тадқиқотлар ўтказилган. Жумладан, Сурхондарё вилояти Узун туманидаги тухум етиштирувчи “Bekzod-Zokir-Sarkor” хусусий корхонаси томонидан тухум етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги таҳлил қилинди. Унга кўра, корхона томонидан 2018 йилда етиштирилган тухумнинг ўртача таннархи 521 сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2020 йилда 27,4 фоизга ошиб, 664 сўмни ташкил этган (3-жадвал).

**3-жадвал.**

**Корхона томонидан тухум етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги<sup>7</sup>**

№	Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2020 й.ни 2018 й.га нисбати, %
1.	Тухум учун боқилган товуклар (ломан), дона	25000	35000	42000	168,0
2.	Товукларни сақлаш вақти, кун	370	370	370	-
3.	1 бош товукнинг бир кунлик ўртача озуқа истеъмоли, кг	0,094	0,094	0,094	-
4.	1 бош товукнинг жами сақлаш кунда озуқа истеъмоли, кг	34,78	34,78	34,78	-
5.	1 кг озуқа нархи, сўм	3150	3550	3950	125,4
6.	1 бош товукнинг жами сақлаш кунда озуқа харажати, минг сўм	109,6	123,5	137,4	125,4
7.	Жами товукларнинг сақлаш кунда озуқа харажатлари, млн. сўм	2738,9	4321,4	5770,0	2,1 марта
8.	Жами сақлаш кунда 1 бош товукдан олинган тухум сони, дона	303	303	303	-
9.	1 дона тухум учун сарфланган озуқа истеъмоли, кг	0,115	0,115	0,115	-
10.	1 дона тухум учун сарфланган озуқа харажати, сўм	361,57	407,49	453,40	125,4
11.	Жами сақлаш кунда товуклардан олинган тухум сони, минг дона	7575,0	10605,0	12726,0	168,0
12.	Бир дона тухумни етиштириш таннархи, сўм	521	601	664	127,4
13.	Жами харажатлар, млн. сўм	3948,1	6378,3	8451,5	2,1 марта
14.	1 дона тухумни сотиш нархи, сўм	620	701	772	124,5
15.	Тухумни сотишдан тушган тушум, млн. сўм	4696,5	7434,1	9824,5	2,1 марта
16.	Тухумдан олинган фойда, млн. сўм	748,4	1055,8	1373,0	183,5
17.	Рентабеллик даражаси, %	18,9	16,5	16,2	-

<sup>7</sup> “Bekzod-Zokir-Sarkor” хусусий корхонаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, шу даврда бир кг озуқа нархи 25,4 фоизга ошган. Тухум етиштиришда озуқанинг улуши жами харажатларнинг ўртача 67-70 фоизини ташкил этмоқда. Шунингдек, тухумнинг ўртача сотиш нархи ҳам ўсиши кузатилган. Жумладан, тухумнинг ўртача нархи 2020 йилда 2018 йилга нисбатан 24,5 фоизга ошганини кўришимиз мумкин. Яъни тухумнинг нархи 2018 йилда 620 сўм, 2019 йилда 701 сўм ва 2020 йилда 772 сўмга тенг бўлган. Корхона сотилган тухум ҳисобига 2020 йилда 1373,0 млн. сўм фойда олган бўлиб, бу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 83,5 фоизга ошган. Корхонанинг фойдаси асосан товукларнинг бош сони ва улардан олинган тухумлар сонининг ошиши ҳисобига кузатилган. Лекин ушбу даврларда, корхона томонидан тухумни етиштириш ҳисобидаги рентабеллик даражаси пасайган. Жумладан ушбу кўрсаткич, 2020 йилда 2018 йилга нисбатан пасайиб, корхонанинг рентабеллик даражаси 16,2 фоизга тенг бўлган.

Шу боис, мамлакат паррандачилик корхоналари ҳолатида товукларнинг саноат тўдасидан фойдаланиш муддати 9 ойдан 22 ойгача ташкил этиши лозим. Алоҳида товук фабрикаларида эса, товуклар 92-94 ҳафталик бўлганча эксплуатация қилинади. Тухум кўядиган товуклардан фойдаланиш муддати 12 ойдан ошмаслиги керак (22 ҳафтадан 74 ҳафтагача). Парранда тўдаси айланмаси коэффиценти қийматлари норматив 1,05-1,1 эканлигида 0,8 дан 1,4 гача ўзгаради. Бинобарин, паррандачилик корхоналарида тухум етказиб беришнинг, яъни сертухумлилик интенсивлиги 73,5 фоизни ташкил этади. Шундай қилиб, тухум кўядиган товукларнинг сертухумлиги интенсивлиги тухум кроссларининг 73,5 фоиздан паст бўлганда, корхонада бу паррандаларни бундан кейинги сақланиши иқтисодий жиҳатдан самара келтирмайди.

“Паррандасаноат” уюшмаси таркибига кирувчи паррандачилик корхоналарида боқилаётган паррандалар еми учун талаб қилинадиган компонентларнинг асосий қисми импорт қилиниб келинмоқда. Паррандалар озуқа балансига киритилган асосий компонентлар, яъни буғдой, маккажўхори, соя шроти, кунгабоқар шроти, ўсимлик ёғи ва туз, сода, озуқа оҳаги маҳаллий корхоналар томонидан етказиб берилмоқда. Жумладан, жами товукларнинг йиллик буғдойга бўлган талаби 66 фоизга, маккажўхори 30 фоиз, соя шроти 7 фоиз, кунгабоқар шроти 6 фоиз ва ўсимлик ёғи эса 5 фоизга маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган компонентлар ҳисобига қондирилмоқда. Фақат туз, сода, озуқа оҳаги каби компонентлар 100 фоиз маҳаллий корхоналар томонидан таъминланади. Қолган компонентлар эса 100 фоиз импорт ҳисобига қондирилмоқда.

Тухум етиштиришда озуқа харажатларининг юқорилигидан келиб чиққан ҳолда, паррандачилик корхоналарида инновацион озуқаларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. “Натресорб” озуқавий кўшимча шулар жумласидандир. “Натресорб”нинг парранда озуқасида қўлланилиш самарадорлиги тажриба сифатида “Paranda kompleks savdo” МЧЖда амалга оширилган. Ушбу тажрибанинг давомийлиги 60 кунни ташкил этиб, 8-9 ой ёшдаги 34270 бош “Ломан” кросси товукларига 1,5 кг “Натресорб” озуқаларга кўшиб берилган. “Натресорб”нинг парранда озуқасига кўшиб берилиши ҳисобига

унинг иқтисодий самарадорлиги етиштирилган тухум ҳисобига амалга оширилди. Унга кўра, тажриба ўтказилган товуқларда бир дона тухум учун озуқа сарфи назорат базасига нисбатан 99,1 фоизни ташкил этиб, озуқа учун 449,3 сўм сарфланган (4-жадвал).

**4-жадвал.**

**“Ломан” кросси товуқларида “Натресорб” озуқавий қўшимчасини қўллаш бўйича тадқиқот натижалари (2020 йил)<sup>8</sup>**

Кўрсаткичлар	Назорат	Тажриба	Тажрибани назоратга нисбати, %
Тажрибанинг давомийлиги, кун	60	60	-
Парранданинг ёши, ой	8-9	8-9	-
Натресорбни қўшиш меъёри, кг	-	1,5	-
Тажриба бошида товуқлар бош сони, дона	21000	21000	-
Тажриба сўнгида товуқлар бош сони, дона	20553	20692	100,7
Товуқларнинг камайиши, дона	447	308	68,9
Жами олинган тухум, минг дона	6332,5	6393,5	101,0
шу жумладан, уларнинг синиши, %	0,70	0,50	-
Товуқларнинг сертухумлилиги, %	90,8	91,9	-
Товуқларнинг сақланганлиги, %	98,7	99,1	-
Бир дона тухум учун озуқа сарфи, сўм	453,4	449,3	99,1
Бир дона тухумнинг таннархи, сўм	664	660	99,4
Жами харажатлар, млн. сўм	4204,8	4219,7	100,3
Тухумни сотишдан тушган тушум, млн. сўм	4888,7	4935,8	101,0
Тухумдан олинган фойда, млн. сўм	683,8	716,1	104,7
Рентабеллик даражаси, %	16,3	17,0	-

Жадвалдан кўриниб турибдики, бир дона тухумнинг ўртача таннархи тажриба базасида 660 сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич назорат базасига нисбатан 99,4 фоизни ташкил этган. Тажриба базасида тухумдан келадиган даромад 4935,8 млн. сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич назорат базасига нисбатан бир фоизга кўпдир. Шунингдек, рентабеллик даражаси эса, мос равишда 16,3 ва 17,0 фоизни ташкил этган. “Натресорб”ни қўллаш натижасида, “Parranda kompleks savdo” МЧЖда парранда бошининг умумий ҳолати яхшиланган ҳолда сақланиши 0,7 фоизга, парранданинг маҳсулдорлиги 1,1 фоизга ортганини кўришимиз мумкин. Шунинг учун, ушбу озуқавий қўшимчани бошқа паррандачилик корхоналарида қўлланилиши корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини ошишига хизмат қилади.

**“Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида паррандачилик тармоғида инновацион фаолият самарадорлигини ошириш йўллари”** деб номланган учинчи бобда мамлакатимиз паррандачилигини инновациялар асосида ривожлантиришнинг асосий йўллари, паррандачилик тармоғида

<sup>8</sup> “Parranda kompleks savdo” МЧЖ маълумотлари асосида ҳисобланган.

инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари ҳамда инновацион фаолиятни ривожлантириш асосида паррандачилик маҳсулотларини етиштириш истиқболлари келтирилган.

Мамлакатимизда истиқболда паррандачилик корхоналарида инновацион фаолиятни техник-технологик, ташкилий, иқтисодий, илмий-техник, ижтимоий ва экологик йўналишларда ривожлантириш лозим.

Паррандачилик корхоналари фаолиятида рақобатбардошликни ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, паррандачилик маҳсулотлари бозорида рақобатбардошликни таъминлаш мақсадида, паррандачилик корхоналари таркибида “Инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўлими”ни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу бўлимда инновациялар банки яратилиб, шу асосда ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилиб, инновацион ишланмалар ишлаб чиқаришга жорий этилиши йўлга қўйилади (1-расм).



**1-расм. Паррандачилик корхоналари таркибида “Инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўлими”нинг фаолияти<sup>9</sup>**

Ушбу бўлимда инновацион озиклантириш ва товукларга қараш, инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш, инновацион препаратлар ёрдамида бир бош товукларни сақлашни таъминлаш, ишлаб чиқаришни қайта инновацион куроллантириш, инновацион характердаги ишлаб чиқариш объектларини куриш, инноватор кадрларни тайёрлаш ва танлаш, инновацион фаолиятнинг

<sup>9</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, инновацион маҳсулотларни сертификатлаштириш каби йўналишларида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилади.

Ушбу бўлим корхонанинг ўз молиявий маблағлари, “Паррандасаноат” уюшмасининг илмий-тадқиқот ишларига ажратиладиган маблағлар ҳисобига молиялаштирилади. Шунингдек, Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловларга қатнашиб, амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

